

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 28-MART, PAYSHANBA, 39 (8120)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
27 март куни Оқсаройда
Қозоғистон Республикаси
ташқи ишлар вазири Ерлан
Идрисовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги очиқ ва самарали муносабатлар ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига хизмат қилишини, анъанавий чуқур тарихий илдизларга асосланишини ва бугунги кунда барча асосий йўналишлар бўйича изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Қозоғистон ташқи ишлар вазири Президент Нурсултон Назарбоев номидан Ўзбекистон Президенти ва халқига эзгу тилаклар ва чуқур ҳурмат-эҳтиром изҳор этди.

Учрашувда мамлакатларимиз яқин қўшнилар ва вақт синовидан ўтган шериклар сифатида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, бир-бирининг ва бутун минтақанинг бардавом ривожланиши ва тараққиётдан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Давлатлараро мунтазам мулоқотлар, икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашувлар ўзаро манфаатли ва самарали, ҳозирги босқичда стратегик шериклик даражасига кўтарилаётган ҳамкорликни янада раванқ топтиришга хизмат қилмоқда.

Томонлар БМТ, ШХТ, МДХ, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси каби глобал ва минтақавий тузилмалар доирасида фаол ва самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўтган йил яқунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,75 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақадаги энг йирик савдо шериклар сифатида ушбу гоёт муҳим соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга долзарб муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Эътибордан боғлар файзиёб бўлади



Наманган вилояти Чуст туманидаги «Усмонали ота» фермер хўжалиги асосан боғдорчилик-узумчилик йўналишида фаолият олиб боради. Хўжалик ихтиёридаги 32,5 гектар боғнинг 26 гектарида узумнинг «Кишмиш», «Тоифи», «Хусайни», «Баян ширин» каби навлари етиштирилади.

— Президентимизнинг 2013 йил 13 мартдаги “2013-2015 йилларда республикада узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори биз боғбонлар учун айна муддао бўлди, — дейди фермер Қодиржон Юнусов. — Ушбу қарор узумчиликда муҳим дастуриламал бўлди, десам муболаға бўлмайди. Сабаби, илгари саноатбон

узумларни қайта ишлаш корхоналарига олиб бориб, сарсон-саргардон бўлардик. Энди эса қайта ишлаш корхоналари йил бошидан биз билан шартнома тузиб, ҳосилни тўлиқ қабул қилиб олишга келишиб оляпти. Шунингдек, саноатбон узум навларини кўпайтиришда ҳам кенг имкониятларга эга бўлдик. Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг

ушбу қарори боғ ва тоқзорларнинг самарадорлигини ошириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, соҳага илғор агротехнологияларни жорий этиш, корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари ҳамкорлигини таъминлашда катта қулайликларни яратади.

“Усмонали ота” фермер хўжалиги боғларида айна кунларда иш қизғин. Хўжаликнинг миришкор боғбонлари тоқларни кўтариб, тараш билан машғул. Шу билан бирга, 3 гектар майдондаги анорзор, 2,5 гектар майдондаги ўрикзордаги манзара кишига кўтаринки кайфият бағишлайди.

Аҳмаджон РИХСИБОВ
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЭНЕРГИЯ ИСТИҚБОЛИДА ҚУЁШНИНГ БЕЗАВОЛ НУРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2013 ЙИЛ 1 МАРТДАГИ «МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ АЙНИ ВАҚТДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВА УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН ИШЛАРГА ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАДИ.

Зеро, иқтисодиётнинг тараққий этиши, дунёда углеводород хомашёсининг захираси камайиб бораётгани, қолаверса, экологик мувозанатни барқарорлаштиришдаги аҳамияти боис муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этаётди.

Республикада муқобил энергия манбаларидан, хусусан, қуёш энергиясидан фойдаланиш истиқболлари порлоқдир. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, юртимизда қуёш энергиясидан 179 миллион тонна нефть эквивалентига тенг энергия олиш мумкин. Мана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти.

Яқинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам бу яна бир бора қайд этилди. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза



қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан ташкил этилган тадбирда муқобил энергия манбалари соҳасида тадқиқотлар ва тажриба-саноат ишланмаларини янада юқори техник ва илмий даражада давом эттириш, жаҳон тажрибасидан амалда фойдаланиш, мамлакатимизда мазкур соҳа учун замонавий ускуна ва технологияларни ишлаб чиқа-

ришни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ва “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамкорлигида амалга ошириляётган “Ижтимоий сектор вакиллари қўллаб-қувватлаш учун муқобил энергия манбалари” лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа чекка ва бориш қийин бўлган туманларда ижтимоий соҳа объектларини энергия билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилган. Ҳозирга қадар мамлакатимизнинг саккиз ҳудудидаги қўллаб объектлар махсус ускуналар билан беғараз асосда жиҳозланди.

Тадбирда меъёрий-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш, муқобил энергия манбаларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ўргатиш билан боғлиқ тажриба лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан тақлифлар билдирилди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

▼ **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА**

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Адлия вазирлиги, Солиқ, Статистика, Божхона қўмиталари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, тегишли ташкилотлар вакиллари, тадбиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси фаолияти эркинлигининг кафолатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари Ҳ.Ҳалимов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга доир етарли ҳуқуқий база яратилган, шунинг баробарида ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини чеклаш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган

2012 йилда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек, рўхсат бериш тартиб-таомилларини содда-лаштириш, солиқ ва статистик ҳисоботларни қисқартиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Рўхсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакллари ҳамда даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди.

Бу йўналишдаги қонунчилик ижроси прокуратура органлари томонидан изчил амалга оширилмоқда. 2012 йилда тадбиркорлар билан беш мингдан зиёд учрашувлар ўтказилиб, 2,5 мингга яқин тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. 4,7 мингдан зиёд бизнес субъектининг турли муаммолари ҳал этилишига

амалий ёрдам кўрсатилди. Тадбиркорларнинг янада эркин фаолият юритишлари учун ташкил этилган “Ишонч телефони”га бўлган мурожаатлар ўрганилмоқда, қаноатлантирилмоқда. Хусусан, ўтган йилда 1,3 мингдан ортиқ мурожаат ижобий ҳал этилди.

Мана шундай ишларга қарамай маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш, ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари учраб турибди. 2012 йилда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорлик фаолияти эркинлигини чекловчи қарорлар қабул қилиш, давлат ва бошқа органларда тадбиркорлик субъектларининг қонуний талабларини асоссиз рад этиш, бюрократик говлар яратиш, таъмагирлик, ноқонуний текширишлар ўтказиш ва бошқа ҳолатларни бартараф этиш бўйича 2,3 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Шундан протестлар асосида ҳокимларнинг 467 та ноқонуний қарори бекор қилиниб, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 311 та жиноят иши кўзга тилган.

Йиғилишда тадбиркорлик ривожига ғов бўлиш, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатларига қатъий барҳам бериш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилади.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарда ўтказилган мажлислар ва ўн биринчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот берди, ялпи мажлис ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 17 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқиши назарда тутилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш мақсадида тайёрланган ҳамда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини алоҳида қайд этдилар.

Бундай қонунлар жумласига “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, бир қатор бошқа қонунлар киради.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати**

Навоий Вилояти

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТГА

Навоий шаҳридаги “Бахт-текстиль” кўшма корхонасида ўтган йили 5 минг 781 тонна, яъни 25 миллиард 451 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хорижга эса 9 миллион 988 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

— Бугунги кунда 500 нафардан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилаётган жамоамизда иш уч сменада ташкил этилган, — дейди корхона бош иқтисодчиси Искандар Мардонов. — Жорий йилда ҳам модернизация ишларини давом эттириб, Германиядан 12,5 миллион АҚШ

долларлик замонавий ускуналар келтиришни режалаштирдик. Ушбу технологиялар маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга электр энергиясини 30 фоизгача иқтисод қилиш имконини беради.

Абдурасул САТТОРОВ

Жиззах Вилояти

ЁШЛАР ИШНИ БЎСИШДИ

Мирзачўл тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 40 та корхона ва 12 та фермер хўжалиги 213 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмарка давомида тумanning қишлоқ ва маҳаллаларида яшовчи 68 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Туман марказидаги “Дилбар чевар” хусусий корхонаси раҳбари Дилбархон Қулматова 28 нафар бичиш-тиқиш ихлосманди бўлган хотин-қизларни, “Улуғбек Рустам элита” хусусий корхонаси эса шу куни 10 нафар ёшларни ишга тақлиф этди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлашни хоҳловчи ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этди. Улардан 30 нафари турли фермер хўжалиқларига ишчи, сувчи, механизатор ва иш юритувчи вазифаларига ишга йўлланди.

Марказ томонидан ташкилот, корхона ва фермер хўжалиқларининг ташкилий ҳолати ва имкониятлари ўрганилиб, яқин кунларда тумандаги учта касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга оид ярмаркалар ташкил этиш чоралари кўрилатири.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

27 март — Халқаро театр куни



«Сенга бир гап айтаман»

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА ТАНИҚЛИ АДИБ ВА ПУБЛИЦИСТ АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ ҚАЛАМИГА МАНСАБ «СЕНГА БИР ГАП АЙТАМАН» ПЬЕСАСИ САҲНАЛАШТИРИЛДИ.

Спектаклдаги воқеалар бугунги кундаги инсоний муносабатларни акс эттиради: оила, муҳаббат, бурч каби муқаддас тушунчалар қадрли ёшлар ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этаётгани теран таҳлил қилинган. Саҳналаштирувчи режиссёр Гулруҳ Нажидова асар мазмунидаги долзарб мавзунинг ўткир қирраларини очишга эришган.

Бош ролларни театрнинг етакчи актёрлари Теша Мўминов, Саидкомил Умаров, Эркин Комилов, Дилбар Икромова, Мадина Мухторова, Дилноза Кубаева ва бошқалар ижро этишган.

Спектакль премьераси томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.
Ҳ.НЕЪМАТОВ

Алишер Навоий «деҳқон» атамасини ўз асарларида подшоҳларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тобелари – тўрт гуруҳнинг тўртинчиси, яъни – зироат аҳли, зироатчиларга нисбатан қўлмаш билан бирга, ушбу атамани яратувчи маъносида ҳам ишлатади. Бундай маъно «Хайрат ул-аброр» достонининг «Кўнгил таърифида» бобида қуйидагича ифодаланган:

**«Субҳи азал қилди чу деҳқони сунь,
Одамий хокийни гулистони сунь».**

Қадри беҳад юсак, барча айблардан холи, моддий ризқларни яратувчи деҳқон образини Навоий «Маҳбуб ул-қуллуб» асарининг ўттиз биринчи фасли – «Деҳқонлар зикрида» шундай таърифлайди: **«Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар. Агар ростлик ва салоҳи бордур, уйи солих ноқасидин намудордур. Кўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоққи одам. Олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам кут еткурур, ҳам баракат».**

Деҳқонки, тузлик била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочкон дона кўкарғунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтарғунча курту куш андин бахраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг бирла шод. Кабутарларга андин мастлик, тўрғайларга андин нишотга ҳамдастлик. Ўроқчига андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи.

Барзагарга андин ком ҳосил, пуштакашга андин мурод восил. Гадо андин тўк, кадхудо тўклуби ҳам андин ўк. Мусофирга андин таом, мужовирга андин ком. Итмоқни танури андин қизик, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, гурабо кути андин кофий. Зоҳидга андин ҳузурни тоат, обидга андин лофи қаноат. Соийл хари тасида андин муҳайё ақтои шоҳ хизонасида андин баҳру кон матои.

Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур.

Боги жаннатдин намудор, полизида руҳ кути падидор. Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқихи нўжум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, агниё нўклу майи ноби андин.

Гуногун фавоқих билаким боғда тазйин, чаман мулкида боғланиб таъбия ва ойн.

Мундоқ киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибод қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то донаси дурри саодат бар бергай ва тухум сочиб, анжуми улуви рифъат тергай. Мундоқ одамнинг фарзанди халифадур, балки марзуклар анга фарзанд ва ул Одами Сафийдур.

Китъа:
**Кимки деҳқонлик айлади пеша,
Даги нон бермак ўлди анга шиор.
Бўйла кимса улувви рифъатдин,
Одам ўлмаса, одамий худ бор».**

Навоийнинг бу таърифида деҳқон ҳақидаги барча ҳақиқатлар ўз ифодасини топган.

Биринчидан, еттита жонли-жондорнинг ҳар хил ижтимоий тоифадаги ўн саккиз нафарнинг ризқи тадрижий усулда бирма-бир санаб кўрсатилган. Бу Алихонтўра Соғунийнинг «Тарихи Муҳаммадий» асарида келтирилган «Ҳар бир банданинг ейдирган бир парча нони олтимиш қўлдан ўтиб, унинг оғзига тушадур» деган машоихлар ҳикмати эслатади.

Иккинчидан, таърифта деҳқон билан боғлиқ барча муомала-муносабат ҳамда мулк шакллари кўрсатилиб, деҳқон ўзининг заҳматли ишлари натижасида элга, шоҳга, барча тирик жонларга розилик келтиради, деган Навоийнинг ихлоси акс этган.

Навоий теурийлар замонага яраша бу ижтимоий табақанинг бутун асбоб-шароитларини тўлиқ баён қилар экан, Амир Темури ва теурийларнинг деҳқонга яхшилик қилишни қонун даражасига кўтарганини ёдга солади. «Темури тузуқлари»нинг иккинчи қисмида қонун кучига эга бўлган 27 та тузуқ ўрин ол-

ган. Улардан бирида «...Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин», дейилади. Ёки Шохрўх мирзо ўғли Улуғбек мирзога Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатининг бошқарувини бағишлар экан, деҳқонларга меҳр-оқибат кўрсатишни тавсия этади. Бу ҳақда тарихчи Абдураззоқ Самарқандий ўз китобида шундай маълумот ёзади: «...Оталиқ шафқати юзасидан подшоҳона илтифоти билан ўнга

этган. Ва шоирнинг ўзи ҳам «Тарихи мулки аҷам» асарида Хушанг подшоҳ ҳақида хабар берад экан, «Хушанг хиррадаманд ва одил ва олим подшоҳ эрди. Ва Таборий дебдурларким... ариқлар қазиб, сув солиб, ободлик ул қилди, ерга фарш ул солди» деб унинг деҳқон ва деҳқончилик касби ҳақида сарлафлари фикрларини бойитган.

Кайковус «Қобуснома» асарининг 43-бобини «Деҳқончилик ва бозор пешалари баёни зикрида» деб номлар экан, асар услубидан келиб чиқиб, насиҳат тарзида фикрларини баён қилади, яъни «Эй фарзанд, агар деҳқон бўлсанг, барча деҳқондан шинастароқ (билимдонроқ) бўлғил ва ҳар бир экинни эксанг вақтидан ўтказиб эмағил. Агар вақтидан ўн кун бурун экканинг икки кун вақтидан сўнг экканингдан яхшироқдур...»

Агар экиш ва ўриш вақти бўлмаса, ҳамма вақт ер суриб, шудгор қилишдан гофил бўлмағил. Сўнгги йилнинг тадбирини ушбу йил қилғил, экинни бақувват ерга экилғил, агар ернинг қуввати бўлмаса, ер сенга фойда бермас. Ҳамма вақт ерни тарбият қилғил,

«Олам маъмурлиги алардин, одам аҳли масрурлиги алардин...»

яқин насиҳат сўзлади. Насиҳатларидан бири эса олам ободлигининг сабаби ва одамзод ризқининг воситаси бўлмиш деҳқонларни зулму адолатсизликдан ҳимоя қилиб, адлу инсоф билан (ўзингга) яқин қилгин».

Алишер Навоийнинг деҳқонлар портретига чизиларини иккига, яъни аънавий изоҳлар ва янги бадий топилмаларга тасниф қилиш мумкин. Аънавий ўринлар азалдан мавжуд бўлиб, булар Навоийга қадар яратилган «Авесто» тарихий-адабий ёдгорлигида, Фирдавсий «Шоҳнома»сида, Носир Хисрав ижодида, Кайковуснинг «Қобуснома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» каби асарларида берилган бадий лавҳалардир. Демак, шу ўринда аънавийликни изоҳласак.

Жумладан, Носир Хисрав ўз «Сафарнома»сида баъзи юртлардаги ўзига хос деҳқончилик ишларига тўхталиб, ҳар хил касб эгалари ичида деҳқон меҳнатини, кўкка кўтариб шарафлайди:

**«Косибдан ҳам жаҳонда
деҳқон ортиқ,
Ҳамма жондорга этмиш
ризқ тортиқ».**

**Жаҳон хуррамлигин боиси деҳқон.
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.
Бу ишдан яхши оламда не бордур,
Бу иш Одам Атодин ёдгордир».**

Деҳқон маҳзини Носир Хисрав шеърини шаклда ёзади. Улуснинг ризқ қалити қўлида бўлган деҳқон химматига тасаннолар айтади. Деҳқон маҳзини насрий усулда ифодаланган бўлса ҳам, зийрак ўқувчи ҳар иккала ижодкорнинг деҳқон ва иш қуроли, деҳқон ва ризқ, деҳқон ва ободлик масалаларига алоҳида ургу берганини англаб олади.

Фирдавсий «Шоҳнома» асарида «Олам-дунё низомига тартиб берилганда, илк деҳқончиликни подшоҳлиги қирқ йил давом этган Хушанг подшоҳ Яздон хоҳиши-ла жорий қилди», – дейди.

**Мардум эҳтиёжин қопламоқ учун,
Экишга, ўришга ўргатди бутун.
Ҳар ким экиб топар энци ўз нонин,
Кўчманчилик қийнамас жонин».**

Яна бир ўринда Худо ҳадияси деб: **Ҳайвон билан экин,
ҳайвон-ла ўринг,
Ҳазина божин ҳам
топшириб туринг».**

Фирдавсий ҳамда Навоийдаги аънавий ифодалар деҳқон меҳнатининг бир улуши «ҳазина божи»га, «шоҳ ғизонаси»га ҳам қонуний дахлдорлигидир. Аммо Фирдавсий ҳазина божининг улуши ҳақидаги фикрларни ҳукмдор тилидан буйруқ-истак оҳанги ва шаклида баён этса, ҳазрат Навоий эса «шоҳ ғизонаси андин баҳру кон матои» деган ханбарини шукроналик ҳисси билан баён

**керақдирлар.
Токи улар туфайлигина томоғинг
масаласи ҳал бўлади.
Деҳқон кишилар қўли очиқ бўлади,
Кўнглини Худо берганидан ҳам
зиёда кенг тутлади.
Бутун ер юзидаги ҳамма қимирлаган
жоннинг,
Юрадиганларнинг овқатию, учадиганларнинг
дони улардан,
Ўзинг булар билан аралашгин,
қўшилгин,
Тилда яхши сўзла, юзингни очиқ тут».**

Юсуф Хос Ҳожиб каби Навоий ҳам ўз асарларида ўндан ортиқ шамшир, қалам, муомала, зироат аҳлига ўз даври нуктаи назаридан баҳо беради. Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, шахсидаги хизмат турларини таҳлил этади. Ҳукмдорнинг, элининг ва бошқа нафас олувчиларни бутун ҳаёти деҳқон меҳнати атрофида айлангандек кўрсатади.

Навоийгача бўлган тўртинчи шахс, тарифчи, деҳқонлар ҳақидаги дуо, таъриф, тавсифу эътирофлардан ҳамда Навоийнинг «Деҳқонлар зикрида»ги насрий қасидасидан англашимиз мумкин бўлган хулоса – ҳамма нарса деҳқон меҳнати шарофатидан деган тарихи шиори, ҳаёт шиори, гўё ижодкорлар шиоридек талқин қилинади. Ва деҳқонларнинг инсоният фаровонлиги йўлида меҳнат қилишидан, ризку баракатидан «ҳамма қимирлаган (жонлар)лар булардан манфаат кўриши» ўз бадий ифодасини топган.

Яна кузатишларимизни Навоийнинг «Деҳқонлар зикрида» мавзусида давом эттириб, шоирнинг бу борадаги янгилигини таҳлил этадиган бўлсак. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Навоий халқ насрининг сажъ санъатига катта эътибор бериб, сочар-очар, бордур-намудордур, паҳлавон-равон, маъмурлиг-масрурлиг, ҳаракат-баракат, бахраманд-хурсанд, обод-шод, рўзи-кўзи, ҳосил-восил, тўқ-ўк, таом-ком, қизик-иссиқ, вафий-кафий, фуқаро-ғурабо, тоат-қаноат, ақтом-матом, намудор-падидор, ахзар-ахтар, душоби-ноби, тазйин-ойин, муарро-мубарро, ибод-жафо, бергай-тергай каби 20 дан ортиқ сажълар гуруҳини зикрининг бошидан охиригача қўллаган.

«Деҳқон дон сочар», эл-юртга нон сочар» деган «мулку миллат ишларини раванқ эттириш билан банд» шоирнинг хулосаси китъа воситасида берилади.

«Кўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоққи одам». Бу таърифта деҳқон меҳнати – ерга ишлов бериш жараёни, кучи билан боғлиқ бир ҳаётий лавҳа жонланади. «Барака хирмонда эмас, бир дона бугдойда» деган халқ мақолидаги «бир дона» рамзий образини ҳамда «Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур», дея ҳаётга ва ақлга ёқадиган қилиб тасвирлайди. Ва улуг амир «бир дона» рамзий образида ҳар йили деҳқончиликнинг умумий унумларидан қирқдан бирини Худо йўлида – закот топширмоқ фарзлигига ҳам ишора қилган. Деҳқоннинг «бир дона»си дунё тирикчилигига ёки охирагача фойда бериши айтилади. Ва «бир дона» образида катта бир дунёни, оламни тушунган шоир хайрат билан деҳқонга «бир дона»нинг етти юзтага айланиши Аллоҳ таолонинг Яратувчанлик қудратидан, катта эҳсон эгаси эканлигидан ва «**Деҳқонки, тузлук била дона сочар, Ҳақ бирига етти юз эшигин очар**», дея ниятидаги, касби қоридаги тўғрилиқ, ростлиқнинг баракатидан нишона деб билишни ўргатади ва ўз хайратларига деҳқонни ошно қилмоқда. Шоирнинг оқоридаги фалсафий қарашларини «Хайрат ул-аброр»нинг «Карам васфида» бобида лирик шаклда қуйидагича ифодалаган:

**Мазрааи базлда сочмоқни туз,
Ким бирига Тенгри берур етти юз.**
Яъни, эҳсон экинзорига сочишни (деҳқон) одат қил. Шунда биттасининг ўрнига етти юзтасини беради. Навоийнинг «Маҳбуб ул-қуллуб» асаридеги «Деҳқонлар зикрида» фаслини қадимги қоидаларга кўра, «танги» сифатлашни, «бобо» кунясини олган ер султони, ер тарбиячиси танги бободехқонлар ҳақидаги фахрия, мукаммал портрет, дея оламиз.

**Буробия РАЖАБОВА,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти катта
илмий ходими, филология
фанлари номзоди.**



«Кетмон», Акмал Нур.

СОЛИҚ ТИЗИМИ: ЯНГИЛИК, ИМТИЁЗ ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар сингари солиқ тизимида ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жисмоний ва юридик шахсларга солиқнинг барча турлари бўйича имтиёз ва қулайликлар яратилиб, солиқ тўлови миқдори йилдан-йилга камайтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ошишига ижобий таъсир этмоқда.

Биргина ўтган йилда вилоятдаги мавжуд 3311 та корхона ва ташкилотлар солиқ имтиёзларидан 359,6 миллиард сўм фойда кўрди. Бу маблағлар янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, маҳсулот сифати ва экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини берди.

Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан жорий йилда солиқ қонунчилигида муҳим меъёрлар белгиланди. Жумладан, Обод турмуш йилида аҳолининг реал даромадини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг қўйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши натижасида вилоятда ўртача 3,5 миллиард сўмлик маблағ аҳоли ихтиёрида қолса, тизимдаги янгиликлар яқка тартибдаги тадбиркорларга 1,3 миллиард сўм фойда келтиради.

Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришга кўра, жорий йилдан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўловчи микрофирма ва кичик корхоналар (акциз ва недра солиғи тўловчи-

лар бундан мустасно) пенсия, йўл, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўламайди. Бунинг натижасида вилоятдаги 1000 дан зиёд корхоналар ихтиёрида ўртача 8,1 миллиард сўм маблағ қолади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2013 йил 4 январдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида 2013 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслар намунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган уй-жойлар учун олинган ипотека кредитини тўлаб бўлмагунга қадар, харид қилинган уй-жойлар учун мулк солиғи тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2014 йил 1 январгача барча турдаги солиқлардан, давлатнинг мақсадли жамғармаларига (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно) ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига тўланадиган мажбурий ажратмалардан озод қилинди.

Маълумки, аввалги тартибга кўра, жисмоний шахслар томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда, фаолият тури бўйича ставкадан келиб чиқиб бир йиллик қатъий солиқ суммасини ундириш белгиланган ва бу баъзи муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлаётган эди. Жорий йилдан бошлаб эса бундай ҳолатлар аниқланиб, ўттиз кун мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган тақдирда, юридик шахсларнинг солиқ қарзлари энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан, жисмоний шахсларники эса 5 баравардан кам бўлса, ушбу солиқ қарзларини мол-мулк ҳисобидан ундириш учун судларга муурожаат қилмаслик тартиби белгиланди.

Маълумки, 2012 йилнинг июль ойида давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳисобот ва турли рухсат бериш тартибларини қисқартириш борасида 2 та янги Фармони қабул қилинди. Уларга мувофиқ 2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ ҳисоботлари тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди. Барча тадбиркорлик субъектлари, жумладан, йирик корхоналар ҳам ушбу солиқлар

бўйича ҳисоботларни ҳар чоракда тақдим этадиган бўлишди. Бундан ташқари, 2013 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига тақдим этиладиган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилди. Шунингдек, 2012 йил 1 августдан бошлаб электрон-рақамли имзони олиш учун тўлов энг кам иш ҳақининг 20 фоиздан 10 фоизга камайтирилиши ҳам вилоятда йил мобайнида тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 50 миллион сўмдан ортиқ маблағ қолиши имконини бермоқда.

Солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан 22 турдаги интерактив давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. Жумладан, энг оммалашган «Электрон солиқ ҳисоботларини қабул қилиш» хизматидан вилоятдаги мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар, 3,5 мингга яқин жисмоний шахслар фойдаланиб келишмоқда. Бунинг натижасида йил давомида 20 нондан ортиқ қоғозни тежаш имкони яратилди.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ тизимида яратилаётган бундай имтиёз, энгиллик ва қулайликлар мамлакатимизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг барқарор ривожланиши, аҳоли турмуш тарзининг юқори суръатларда ўсишига ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти
Давлат солиқ бошқармаси
бўлим бошлиғи.

▼ ТААССУФ

МЕҲМОН ВА МЕЗБОНЛИКНИНГ ЎЗ ИЗЗАТИ БОР

Бугун юртимизда тадбиркор ва ишбилармонларга ўз фаолиятини амалга ошириши учун кенг имкониятлар яратилган. Соҳа ривожига бир қанча меъёрий ҳужжатлар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилгани муҳим омил бўлаётир. Айниқса, хорижий сармоядорлар ва ишбилармонлар учун бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратилгани юртимизда замонавий ишбилармонлик муҳитини қарор топтириш, шунингдек, замонавий технологияларни ҳаётимизга кенг татбиқ этишда айна мударра.

Ана шундай имтиёз ва имкониятлар самараси ўлароқ бугун Ўзбекистонда минглаб хорижий ишбилармонлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ҳам Ўзбекистон, ҳам хорижий давлатлар бирдек манфаатдор бўлмоқда. Минг афсуски, юртимизда яратилган ана шундай имконият ҳамда шарт-шароитларни «тушуниб-тушунмай» суиистеъмол қилаётган айрим хорижлик ишбилармонлар ҳам бор экан.

Жинойат ишлари бўйича Янгийўл тумани суди кўриб чиққан қуйидаги ишда эронлик Махсен Голамали Абдоллоҳнинг ўз фойдасига жудаям «чапдаст»лиги яна бир бор кўриниб қолди.

Г.Махсен 2001 йилдан буён «DUNYO-M Co.» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхона раҳбари лавозимида ишлаб келарди. У ўзи таъсис этган мазкур корхона низомига жуда кўп фаолиятларни киритганди. Хуллас, қаёқдан кўпроқ фойда чиқса, шу ёққа уриб кетишга мўлжалланган низом эди.

Халқимизда икки кўннинг ортидан қувган бирортасини ҳам тутолмайди, деган мақол бор.

Дастлаб, Тошкент шахрининг Чилонзор туманида фаолият юритган хорижлик тадбиркор давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўламайди. Натижада 20 миллион сўмдан ортиқ боқиманда қарздорлик

юзага келади. Шундан сўнг ушбу қарздорликни ундириш мақсадида унга нисбатан қонуний чоралар кўрилади.

Г.Махсен ана шундай қонуний таъкиблардан қочганими ёки унинг бошида бошқа мақсади борлиги, ҳар ҳолда ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг юридик манзилини Тошкент вилояти Янгийўл туманига кўчирди.

Шу ўринда корхонанинг жойини ўзгартиргани билан қонун ўзгармаслиги, бўйнидаги қарздорлик камайиб қолмаслигини, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқиши мумкинлигини эсдан чиқарганди.

Г.Махсен судда берган гувоҳлигида ўз айбига иқдор бўлмади. Аксинча, ҳеч қачон мажбурий тўловлардан бўйин товламаганлигини, ҳамма ҳисоб-китобларни корхонада ишлаб кетган ҳисобчилар қилганлигини, ўзи эса Ўзбекистонда бу борадаги қонун-қоидаларни билмаслигини ваз қилди.

Г.Махсен Ўзбекистондаги фаолияти давомида яна бир нечта корхоналарга асос солди. Аммо уларни ҳам ёлчитиб ишлатмади. Алалхусус ҳисоботлар ўзаро чалқашиб, Г.Махсеннинг тўловлардаги қарздорлиги 50 миллион сўмдан ошиб кетди.

Олиб борилган тафтиш ишларидан кейин бундай қарздорликни қаердан келиб қолганлигини ҳеч ким изоҳлаб бера олмади.

Г.Махсен эса суд жараёнида «Мен Ўзбекистон қонунларидан беҳабарман. Барча

ҳисоботларни ҳисобчилар қилган», деб такрорлашни қанда қилмасди.

Одил суд бу борадаги барча тафсилотларга ойдинлик киритди. Тергов-суриштирув жараёнлари ва гувоҳларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлишича, Г.Махсен раҳбарлик қилган корхонанинг давлат бюджетига мажбурий тўланиши лозим бўлган тўловлардан қарзи 20 миллион сўмдан ошиб бўлган. Қўшимча очилган корхоналарнинг ҳисоботлари ва бошқа ҳисоботлар ўзаро чалқашиб, қарздорлик ўсиб кетган. Аслида эса янги очилган корхоналарнинг аксарияти умуман фаолият юритмаган. Натижада қарздорликни ундириш ҳақидаги қарорлар турли номутаносибликларни келтириб чиқарган.

Суд ана шундай чалқашликлар ва бир-бирига мос келмайдиган маълумотларга ойдинлик киритиб, шунга мувофиқ ўз ҳукмини эълон қилди. Унга кўра, Г.Махсен ўзи раҳбарлик қилаётган корхонанинг давлат бюджетига тўланмаган солиқ ва бошқа тўловларини тўлиқ қоплайдиган бўлди. Унга нисбатан эълон қилинган бошқа айбонлардан озод этилди.

Шу ўринда баъзи мулоҳазаларни айтиш жоиз. Агар бирор жойга меҳмонга борсак, ўша хонадон қонун-қоидаларига, тўғрироғи, меҳмонлик одобига амал қиламиз. Чунки ножўя ҳаракат қилиб ёхуд одоб чегарасидан чиқсак, шунга яраша жавоб бўлишини биламиз. Аммо «қахрамон»имиз меҳмон ва мезбонликнинг ёзилмаган иззати борлигини фаҳламаган чоғи.

Энди бевосита давлатлараро хорижий сармоявий ҳаморликка келсак, у ҳам шундай ўзаро ҳурмат ҳамда тегишли тартиб-тамойлларга асосланиши ойдек равшан. Ана шу талаблар бажарилмадимми, ёки бирор қонун-қоидага амал қилинмадимми, бу риштага путур етади, албатта. Ҳар ҳолда биз билган ўзбекона тушунчалар шундай.
Ёқуб САИД

ЭХТИЁТ-ШАРТ ҚУРИЛИШНИНГ МЕЪЁРИ

Юртимиз кун сайин чирой очиб, обод бўлмоқда. Шаҳару қишлоқларимизда кенг қўламдаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Шу ўринда унутмаслигимиз лозимки, барча меҳнатимиз самараси бир омилга боғлиқ. Яъни қурилиш меъёрларини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Жумладан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам. Бунда асосий эътибор марказий кўчаларда автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишига қийинчилик туғдирувчи қўшимча қурилмаларни тартибга солиш, кўп қаватли уйларда фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан қуриб олинган қўшимча қурилмаларни бартараф этиш ҳамда йўл ёқаларига зид равишда ўрнатиб олинган ҳар хил турдаги шохобчаларни тартибга келтирилишига қаратилмоқда. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнглисиз ҳодисаларга, аксар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Ҳар бир меъёрга амал қилиш, энг аввало, биноларда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларни зудлик билан бартараф этилишига, махсус ёнғин ўчириш автоуловлари ва автотранспортнинг ҳаракатланишига хизмат қилиши унутмайлик.

О.ХОЛХОДЖАЕВ,
Миробод тумани ИИБ
ЁХБ ДЁН инспектори,
капитан.

МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАЙЛИК

«Ўт балоси». Бу ибора бежизга айтилмаган. Ёнғин келтирувчи зарару талафотларни ҳисоблаш мушкул. Энг ачинарлиси, ушбу офат натижасида инсон саломатлигини, ҳатто умрини ҳам бой бериши мумкин.

Келиб чиқаётган ёнғинларни таҳлил қилганда, уларнинг аксарияти аҳоли хонадонларида, турар-жойларда бўлаётгани аниқлашади. Демак, ҳамон бефарқлик, лоқайдликни бартараф этолганимиз йўқ.

